



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Абдурахманов Абдумутал Абдужабборович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бизнес ҳуқуқи Магистранти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8073828>

ARTICLE INFO

Received: 15th June 2023

Accepted: 22th June 2023

Online: 23th June 2023

KEY WORDS

Электрон тижорат, электрон битим, электрон ҳужжат, шартномалар, электрон маълумотлар алмашинуви, рақамли имзо.

ABSTRACT

Муаллиф мазкур мақолада электрон тижоратни амалга ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни таъминлаш, электрон тижорат билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш. Шунингдек, мамлакатимизда электрон тижорат соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, аввало, соҳага оид қонун ҳужжатларни такомлаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари сурган.

Бугунги кунга келиб, дунёда электрон тижорат айланмаси, 2019-йил учун прогнозларга кўра, 29 триллион АҚШ долларини ташкил этади, шундан онлайн чакана савдо тармоғи 3,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади ва бу глобал чакана савдо айланмасининг ўртача 13,7 фоизини эгаллайди ва 2 йил давомида 4,8 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Дунёда электрон тижорат улушининг ярмидан кўпини эгаллаган ХХР, АҚШ каби давлатлар жаҳон етакчилари бўлиб қолмоқда. МДҲ мамлакатларида электрон тижоратнинг чакана товар айланмасидаги улуши ниҳоятда пастлигича қолмоқда, чунки бу кўрсаткич Россия Федерациясида атиги 4 фоизни, Қозоғистонда 1,8 фоизни ташкил этади. Электрон тижоратни амалга ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни таъминлаш, электрон тижорат билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш, электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш қоидаларини белгилаш, электрон ҳужжатларни далил сифатида тан олиш мақсадида “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунлари ҳисобланади.

Электрон тижорат фаолиятининг айрим жиҳатларни ҳуқуқий таҳлил қилиш, жумладан, рақамли иқтисодиёт шароитида шартномавий ҳуқуқий муносабатлар



Ш.Н.Рўзиназаров, Л.И.Ачилова¹, Д.Р.Валеев, ²А.Н.Якубовларнинг³ илмий ишларида ўрганилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви муқаррар равишда компаниялар томонидан нафақат ташқи, балки ички бозорларда ҳам тегишли технологиялардан фойдаланишни талаб қилмоқда. Электрон тижоратни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сонли қарорига мувофиқ давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 барабар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси мақсадларидан бири сифатида (25-мақсад) белгиланишига хизмат қилди.⁴ Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий назария АКТ, халқаро электрон айланманинг жадал суръатларда ривожланишидан ортда қолмоқда. Шу билан бирга, электрон муомалани қонунчилик билан тартибга солиш уни қўллаш амалиётидан анча орқада қолмоқда, бу жиддий илмий тушунишни талаб қиладиган ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқий тузилмаларнинг мураккаблиги ва янгилиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув йўқлигига олиб келди, бу эса бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни келтириб чиқарди. Электрон тижорат жараёнида шартномалар тузиш янги, номланмаган шартномалардан фойдаланишни талаб қилади. Электрон тижорат билан боғлиқ муносабатларнинг етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги айрим ҳаракатларни битимлар сифатида квалификация қилишда қийинчиликларга олиб келади. Ушбу кўплаб муаммолар нафақат Ўзбекистон қонунчилигида юзага келмоқда шунингдек айрим хорижий ҳуқуқий тизимларда электрон операцияларни тартибга солишни оптималлаштиришга қаратилган қонунчилик ислоҳотлари аллақачон амалга оширилган бўлиб бу борада муҳим халқаро актлар мавжуд.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ушбу мақоланинг мавзуси жуда долзарбдир.

Таъкидлаш жоизки, электрон тижоратни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Шу боисдан электрон тижоратни ривожлантириш ва иқтисодиётни ахборотлаштириш жараёнига мослаштириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари, яратилган технологик асослар туфайли сўнгги йилларда электрон тижорат бозори шаклланиб, унга хизмат қилувчи механизмлар тизимли равишда такомиллашиб бормоқда.

¹ Рузиназаров Ш.Н., Ачилова Л.И. Электронные сделки и проблемы их применения в условиях цифрового гражданского оборота / Развитие общества и науки в условиях цифровой экономики: Монография. – Петрозаводск, 2020. – 167 с

² Валеев Д.Р., Яковенко А.А. Применение информационных технологий в деятельности корпораций: правовой аспект. – Т.: Институт философии и права им. И.М.Мунинова АН РУз, 2007. – С. 104

³ Якубов А.Н. Совершенствование правового регулирования внешнеторговых отношений: Автореф... дисс.доктора философии по юрид.наукам. – Т., ТГЮУ, 2000. – 48 с.

⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi «Yangi O'zbekistonning 2022–2026 yillarga mo'ljallangan taraqqiyot strategiyasi to'g'risida»gi PF-60-son Farmoni // <https://lex.uz/pdfs/5841063>



Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар мазкур йўналишдаги ислохотларни амалга оширишнинг муҳим асоси сифатида хизмат қилмоқда. Электрон тижорат соҳасининг бугунги ривожланиш босқичи давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2015 йилда “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Ушбу қонун электрон тижоратнинг технологик ва телекоммуникацион ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга маҳаллий хўжалик субъектларининг самарали фаолияти учун қулай шароит яратиш борасидаги тизимли ишларнинг такомиллашувига олиб келди. Қонун қабул қилиниши билан электрон тижоратнинг келгусидаги истиқболи билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида бир қатор амалий тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳукумат қарорига асосан ўрта муддатли истиқболда электрон тижоратни ривожлантиришнинг, рақобат муҳитини кенгайтиришнинг, янги инфратузилма ўсишининг ва қўшимча иш ўринлари яратишнинг йўллари, шакллари белгилашнинг, шунингдек, электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи концепция қабул қилинди.

Шу маънода янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш, амалиётга қўллашдаги мавжуд тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда соҳага доир қонун ҳужжатларида учраётган бўшлиқларни тўлдириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тизимли ва тадрижий давлат сиёсати олиб борилгани натижасида давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, жисмоний шахслар ва тижорат банклари ўртасида тезкор алоқа ўрнатилиб, масофавий бошқарув орқали банк ҳисоб рақамларини бошқариш, замонавий электрон иловалар ва тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи янги ахборот технологиялари кенг жорий қилингани, бу эса, ўз навбатида, телекоммуникация инфратузилмасининг кескин ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳасига кенг жорий этилиши ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар ва хизмат кўрсатишдаги алоқаларнинг янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айни пайтда Ўзбекистонда электрон тижоратни хўжалик технология жараёнларига фаол жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш, мижозларнинг интернет глобал тармоғи ва мобиль алоқа воситалари орқали интерактив хизмат кўрсатишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий интеграциялашув ва глобаллашув шароитида хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг ўз фаолиятида электрон тўлов ва электрон тижоратни жорий этиши уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга миллий иқтисодиётда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишларига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, янги қонун электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Чунки шу асосда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришга кенг йўл очилди. Бу савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларни камайтириш, электрон тижорат субъектларининг бир-бирдан узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал



этиш, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга кўмак беради. Шу ўринда электрон тижоратни ривожлантириш, янги тахрирда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун талабларини амалиётга самарали равишда татбиқ этиш борасида бир қатор масалалар алоҳида эътибор талаб қилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, электрон тижоратда шартномаларни электрон тарзда тузишда ҳануз қоғоз шаклидан фойдаланиш ҳолатлари мавжуд. Бунинг асосий сабаби аҳолининг кўпчилиги, шу жумладан, жойлардаги тадбиркорлар ҳам электрон тижорат ҳақида етарли маълумотларга эга эмас. Электрон тижоратда шартномалар тузилганидан сўнг уни амалиётга татбиқ қилиб, шартнома бўйича реал вазиятда уни ижро этиш, хусусан, ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда турли тушунмовчиликлар мавжуд. Фойдаланувчилар учун турли соҳа ва йўналишларга ихтисослашган, профессионал савдо платформаларига эга ахборот воситачилари сонини кўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Шу боисдан жамоатчилик ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, соҳа учун ахборот технологиялари ва тижорат ишларидан бохабар мутахассисларни тайёрлаш, маркетинг ишлари сифатини ошириш, товарларни харидорларга етказиб берувчи курьерлик хизматлари ташкил этиш, бизнес томонидан тижорат ишларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шу орқали харидорларга ишончли ва кафолатланган хизматларнинг таклиф этилиши соҳа ривожига ижобий туртки бўлади.

Шунингдек, тадбиркорларнинг электрон тижорат имкониятларидан фойдаланиш ва уларнинг электрон иқтисодий фаоллигини ошириш учун керакли рағбатлантирувчи давлат дастурларини ишлаб чиқиш зарурати ойдинлашмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Концепцияда электрон тижоратни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид бир қатор тадбирлар комплекси белгиланган бўлишига қарамай, ушбу вазифаларни ўз вақтида ижро этиш ва шу орқали самарадорликка эришишга эътиборни кучайтириш ҳам бугунги кун талабидир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда электрон тижорат соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, аввало, соҳага оид қонун ҳужжатлари, белгиланаётган талаблар ва яратиб берилган имкониятлар билан кенг жамоатчиликни таништириш, тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, бу ўринда давлат, бизнес ва нодавлат сектори ўртасида самарали ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. XXI аср бошларидан эътиборан АТнинг жадал ривожланиши, махсус ахборот муҳити – Интернетда ривожланаётган янги ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Ўзбекистонда умуман Интернетда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик, шунингдек ЭТ бўйича ҳам махсус қонунчилик тармоғи мавжуд эмас. Амалдаги қонунчилик, фуқаролик ҳуқуқининг умумий нормаларига қарамасдан, Интернетдаги муносабатларни тартибга солиш соҳасида ҳали ҳам ривожланишнинг дастлабки босқичидамиз. Қонунчиликни



тартибга солиш уни қўллаш амалиётидан анча орқада қолмоқда, бу эса жиддий илмий тадқиқотларга сабаб бўладиган назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқаради.

Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг юқори стандартига эришиш учун амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Кўриниб турибдики, бугунги кунда ЭТ тўғрисидаги турли қоидаларни консолидация қилиш ва янада кенг қамровли, мазмунан бойитилган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш зарурати пайдо бўлди. Унда, бизнинг фикримизга кўра, қуйидаги қоидаларни акс эттириш керак:

- электрон тижоратда шартномалар тузиш жараёнида электрон хабарларнинг мақомини шакллантириш ва батафсил баён этиш;
- электрон тижорат соҳасида илғор хорижий ҳуқуқни қўллаш тажрибасини интеграция қилиш имконини берувчи электрон тижорат иштирокчилари фаолиятини соддалаштирадиган ягона ҳужжатларни қўллаш амалиётини жорий этиш;
- электрон тижоратни бошқаришда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- истеъмолчининг шахсига доир ва бошқа маълумотлари таркибини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;
- электрон тижорат соҳасидаги рақамли активлар билан боғлиқ операцияларнинг хусусиятларини акс эттириш.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси//<https://president.uz/uz/lists/view>.
2. Р.Ж.Рузиев Номланмаган шартноманинг ҳуқуқий моҳияти. –Т., Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2015 №1. 19-23 бетлар.
3. Клейн Н.И. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). – М.: Юрид.фирма “Контракт”: ИНФРА – М, 2005. – С.945.